



ПРОФЕССИОНАЛ БАСКЕТБОЛЧИЛАРДА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРНИ НАМОЁН БЎЛИШИДА ИРОДА КУЧИ ДАРАЖАСИНИНГ ЎРНИ

Ҳазратқулов С.

Жиззах ДПУ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: профессионал баскетболчилар, иродавий сифатлар, ирода кучи.

Ключевое слова: профессиональные баскетболисты, сила воли, волевые качества.

Key words: professional basketball players, willpower, volitional qualities.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада профессионал баскетболчиларнинг иродавий сифатларини намоён бўлишида ирода кучи даражасини ўрни борасида олиб борилган тадқиқот натижалари ва унинг илмий жиҳатдан психологик изоҳи ёритилган.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье освещены результаты исследования роли уровня силы воли в проявлении волевых качеств профессиональных баскетболистов и ее научно-психологическое объяснение.

SUMMARY:

This article highlights the results of a study of the role of willpower in the manifestation of volitional qualities of professional basketball players and its scientific and psychological explanation.

Ирода кучи деганда инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида дуч келадиган барча қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтиб, унга эришиша олиш қобилияти тушунилади. Яъни, инсон узоқ муддатга мўлжаллаган мақсадига эришиш учун фаолияти жараёнида дуч келадиган кичик муқофотдан воз кеча олиши лозим.

Шахснинг ирода кучи ўзини - ўзи назорат қилиши ва ўзини ўзи тартибга солиши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Бироқ, бу мулоҳаза қуйидаги хулосага олиб келиши мумкин: “Баъзи одамлар ирода кучига эса, бошқаларда эса йўқ”.

Ирода кучи ҳақида фикр юритар эканмиз, биз уни бир нечта жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Қуйида улар ҳақида қисқача маълумот берамиз.



Ирода кучи мотив кучи сифатида. Инсоннинг иродавий фаоллиги мотив (эҳтиёж) кучи билан белгиланади, чунки мотив (эҳтиёж) кучи ирода кучининг намоён бўлиш даражасига таъсир қилади, буни натижасида инсон мақсадига эришишни хоҳлайди, шу боис у ирода кучини узоқ вақт давомида намоён қилади. Шунинг учун кўп ҳолатларда ирода кучи мотив кучи негизида намоён бўлади, яъни, “мен шуни хоҳладим, мен унга эришаман”.

Ирода кучи мотивлар кучи сифатида. Кўпинча ирода кучи фаолият учун тўсиқ ҳисобланадиган “мотивлар кураши”га олиб келади (Корнилов булар жумласига чарчоқ, кўрқув, зўриқиш, ирода кучини кўрсатмаслик, кучли одат кабиларни киритади). Шу сабабли В.А.Крутецкий куйидаги мулоҳазани билдиради: «Ҳақиқий иродали одам – бу бурч ҳисси билан бурчга зид бўлган истак орасидаги ҳиссиётни бошқара оладиган одамдир».

Ҳаракатлар моҳиятини ўзгартириш. В.А.Иванниковнинг фикрига кўра, мотивларни кучайтириш қоида тариқасида ҳаракатлар моҳиятини ўзгартириш ҳисобланади. Ўз фикрига у таниқли инқилобчи Вера Фигнерни қамокда ўтган вақтини келтиради, қамокда инқилобчиларни бемаъни ишларни бажаришга мажбур қилганларини мисол сифатида келтиради. Унинг фикрига кўра, Вера Фигнер бемаъни ишларни бажаришни чоризмга қарши кураш моҳияти деб қараган ва ўзидаги умидсизлик ҳисидан ҳалос бўлган.

Ҳиссиётни бошқаришни ишга тушириш. Баъзи бир психологлар ирода кучи «Зарур – қила олмайман», «хоҳламайман - лекин зарур» каби ҳаракатларга таъсир сифатида пайдо бўладиган тўсиқларни мавжудлигига қараб ҳиссиёт ҳисобига мобилизацияни (кўшимча куч) амалга оширади деб ҳисоблайдилар.

Ирода кучи мустақил иродавий сифат сифатида. К.Н.Корнилов ва К.К.Платоновлар ирода кучини мустақил иродавий сифат сифатида қабул қилдилар. К.Н.Корниловнинг фикрига кўра, ирода кучи-бу иродавий сифат бўлиб, мақсадга эришиш йўлида дуч келадиган аҳамиятли қийинчиликларни енгиб ўтиш кўникмаси ҳисобланади.

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиққан ва ирода кучи тўғрисидаги назарий ва амалий манбаларни таҳлил қилган ҳолда, биз профессионал баскетболчиларда ирода кучини намоён бўлишини ўрганишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот ишимизни ташкил қилиш ва ирода кучини эмпирик тадқиқ қилишда биз Н.Н.Обозовнинг иродавий сифатларни баҳолаш методикасидан фойдаландик. Мазкур методика Н.Н.Обозов то-

монидан тавсифланган бўлиб, у ирода кучининг намоён бўлишини умумлаштирган таърифи учун мўлжалланган. Методиканинг тўлиқ тавсифи иловада келтирилган.

Биз тақдиқот ишимизда профессионал баскетболчиларда ирода кучини намоён бўлиш даражасини ўрганишда ушбу методикадан фойдаландик ва унинг натижалари қуйидаги 1 – жадвалда келтирилган.

1 – жадвал

Иродавий сифатларни баҳолаш методикаси дисперсион таҳлили (АНОВА)

Жамоалар	n	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	f	p
Тошкент (АГМК)	23	21,7391	4,32978	2,181	,121
Жиззах (Зиёкор)	22	20,9545	3,22899		
Навоий (Сўғдиёна)	22	19,4545	3,47408		

Изоҳ: Н.Н.Обозовнинг ирода кучини баҳолаш даражасида тафовут яққол ифодаланмаган.

Профессионал баскетболчилар билан ўтказилган тақдиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, ҳар учала профессионал баскетбол жамоаси аъзоларининг кўрсаткичларида ирода кучи ўртача даражада намоён бўлмоқда (1-жадвалга қаранг). Айтиш жоизки, профессионал баскетбол жамоаларининг ирода кучи даражаси кўрсаткичлари ўртасида бироз аҳамиятсиз тафовутни кўришимиз мумкин. Биз бу ҳолатни профессионал баскетболчиларнинг спорт маҳорати ҳамда ирода кучининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлаган ҳолда изоҳлашимиз мумкин. Биринчидан, ирода кучи мотив кучи сифатида намоён бўладиган ҳолатда профессионал баскетболчиларда спорт маҳоратининг юқори даражаси уларга мотив кучини ўртача даражаси билан юзага чиқмоқда, яъни, уларнинг спорт мусобақаси жараёнида ўз олдиларига қўйилган мақсадга эришишларида биринчи ўринда спорт маҳоратига, сўнгра эса мотив кучига таянар эканлар, бироқ бу ҳолат улардаги мотив кучининг таъсир даражасини аҳамиятини камситмайди, уларни «чемпионатда ғолиб бўлиш» ёки «совринли ўринни эгаллаш» мотиви уларнинг спорт маҳоратини ортишига ва мусобақа жараёнида намоён қилишларида муҳим аҳамият касб этади, чунки спорт маҳорати ва мотив кучи яқка ҳолда юзага чиқмайди. Иккинчидан, ирода



кучи мотивлар кураши сифатида юзага чиқадиган ҳолатда ҳам биз профессионал баскетболчиларнинг ирода кучини намоён бўлишида мотивлар кураши, яъни, баскетболчиларда юзага келадиган чарчоқ (жисмоний ва психологик), зўриқишлар (жисмоний ва психологик), кўрқув каби кўринишларини мусобақа жараёнида намоён бўлмаганлигини кузатдик, бу ҳолатда баскетболчилардаги ирода кучи фақат «мен хоҳладим» ва «мен унга эришаман» мотив кучи негизида намоён бўлганини ва мотивлар кураши кўринишидаги жиҳатларни енгиб ўтганларини таъкидлаш лозим, буни баскетболчилар билан кўшимча равишда ўтказилган эркин суҳбат натижаларида ҳам гувоҳ бўлдик. Профессional баскетболчилар лозим бўлган вақтда ирода кучини ижобий жиҳатдан намоён қила олар эканлар, бизнингча, бу улардаги спорт маҳоратининг юқори даражаси билан боғлиқ бўлиш эҳтимоли мавжуд деб ўйлаймиз.

Учинчидан, профессионал баскетболчиларда намоён бўладиган ирода кучини ижобий жиҳатдан намоён бўлиши уларнинг спорт фаолияти жараёнидаги ҳаракатлар моҳиятини ўзгартириш жиҳати билан изоҳлаш мумкин. Яъни, мусобақа жараёнида юзага келган вазиятда масалан, мусобақа пайтида баскетболчиларнинг ҳаракатида мувофиқликни бузилиши, мағлубиятга учраётган ҳолат ёки ўйин тактикасидаги хатоликлар мотивларни кучайтириш эвазига ҳаракатлар моҳиятини ўзгартириш учун ўзларида ирода кучини намоён қилиш асосида ўйин тактикасини ижобий томонга ўзгартиришлари билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, баскетболчилардаги олдин йўл қўйилган камчиликларга бошқача ёндошилса ва унинг моҳиятига бошқача тушунча берилса, баскетболчиларнинг ҳаракат моҳияти ўзгарса, яъни, мақсад ва эҳтиёж ўзгарса, мотив кучи ҳам ўзгаради, баскетболчилардаги ирода кучи ҳам ижобий жиҳатдан намоён бўлади.

Тўртинчидан, баскетболчиларда ирода кучини ижобий жиҳатдан намоён бўлганлиги улар ўзларини ҳиссиётларини ишга тушириш жиҳатидан самарали фойдалана олишлари билан изоҳлашимиз мумкин. Ушбу жиҳат баскетболчилар мусобақа ёки ўйин жараёнида юзага келадиган турли тўсиқларни енгиб ўтиши билан боғлиқ бўлади, масалан, жамоа яъни, баскетболчилар ўйин фаолиятида тактик ҳаракатларида қанақадир хато пайдо бўлди ва шунинг натижасида улар мағлубиятга учрамоқда, улар мағлубиятни тан олиб бўлишди, бироқ, бу ҳолатда баскетболчилардаги тушкунлик (салбий ҳиссиёт) улардаги ғалабага бўлган хоҳишга таъсир кўрсатиши натижасида « хоҳламайман - лекин зарур» омили асосида ирода кучини намоён қилиши ва ғалабага эришишлари мумкин. Бунда баскетболчилардаги ирода кучи салбий ҳиссиёт остида юзага чиқиши кузатилади.



Бешинчидан, профессионал баскетболчилардаги ирода кучининг намоён бўлиши унинг мустақил иродавий сифат шаклида намоён бўлиши билан боғлиқ, чунки мусобақа жараёни ҳар доим ҳам бир хил тарзда кечмайди, ҳар бир ўйин жараёни ўзига хос бўлиб, ҳар бир мусобақага ўйин тактикаси ишлаб чиқилади, жамоа аъзоларининг вазифаси белгиланади. Бироқ, айтиш жоизки, ирода кучининг намоён бўлиши ўйин жараёнида юзага келадиган қийинчилик ва тўсиқлар сабабининг аниқланиши билан боғлиқ бўлади ҳамда юзага келган қийинчилик ёки тўсиқ ўйин тактикаси ёки ўйинчилар билан алоқадорлиги аниқланган тақдирда, ирода кучи асосида ўйин жараёнини ўзгартириш имкони пайдо бўлади ва жамоа ўз мақсадига эришиши мумкин.

Демак, хулоса сифатида айтиш жоизки, ирода кучи мотив кучи, мотивлар кураши, ҳаракат моҳиятини ўзгартириш, ҳиссиётни бошқаришни ўзгартириш ва ирода кучи мустақил иродавий сифат хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги негизида намоён бўлар экан ва ирода кучининг шаклланиш даражасига ҳам боғлиқ экан.

Адабиётлар:

1. Ильин Е.П. Психология волевой усилия.- СПб.: ПИТЕР, ДОМ НАУКА, 2009. – 368 с.
2. Жаров К.П. Волевая подготовка спортсменов. М.: Физкультура и спорт, Вт. Изд. Владось, 2009. – 39 с.
3. Иванников В. А. Психология воля. Учебник / В.А. Иванников. - Л.: , 2015. – 223 с.
4. Селиванов В.И. Воля и ее воспитание. – Рязань, 2012. – 196 с.